

Мустақил Ўзбекистон халқи энг муносиб номзодни сайлади

23 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 23 декабрь куни ўтказилган сайловнинг дастлабки яқунларига бағишланган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловни мамлакатимизнинг янги тарихи, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда тарихий босқич бўлганини таъкидлади.



Сайлов халқнинг хоҳиши-ирода билдириши, сиёсий ҳаёт, давлат ва жамият бошқаруви, давлат ҳокимиятини шакллантиришда беvosита иштирок этишининг асосий воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида ва "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари мамлакатимизда сайловни демократия, очкилик ва ошқоралик тамойиллари асосида ўтказишнинг кафолатидир. Сайлов мўқиб асосда мамлакатимиз Конституцияси ва сайлов қонунчилигида белгиланган демократик тамойилларга тўла мувофиқ тарзда ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ-демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" Социал-демократик партияси, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан номзодлар иштирок этди.

Қонунга мувофиқ Президентликка кўрсатилган номзодларга сайлов кампаниясини ўтказиш, сайловчилар билан учрашиш, сайловолди ташвиқотида оммавий ахборот воситалари

ридан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди.

Округ ва участка сайлов комиссияларининг қонунийлик, коллегиялик, ошқоралик, мустақиллик ва адолат тамойилларига асосланган ҳолда фаолият юритгани сайловнинг демократлиги ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини таъминлади. Барча 8266 та сайлов участкаси алоқа воситалари, компьютер ва ортехника, сайлов қонунчилиги меъёрларида оид адабиётлар билан таъминланди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ўқув семинарлари ташкил этилди. Сайловчилар, аввало, биринчи марта овоз бераётган сайловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида сайлов комиссиялари томонидан қўллаб-қўллашувлар, семинарлар, жумладан, телевидение ва босма оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилди.

Шунингдек, сайлов жараёнининг қарийиб 23 минг 300 нафар кузатувчи иштирокида кузатиб борилиши ҳам сайловнинг очик ва ошқора ўтишини таъминлади. Бешта халқаро ташкилот - МДХ, ЕХТ, ШХТ, ЕврАзЭС, ИКТ, 30 дан орტიқ хорижий мамлакатдан келган

минарлар, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, Тошкентдаги олий ўқув yurtлари жамоатчилиги, ёшлар билан учрашувлар ташкил этди. Бундан ташқари, бу ерда мамлакатимиз ва хорижий журналистлар учун матбуот анжуманлари, брифинглар бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов брифинг қатнашчиларига сайловда иштирок этган сайловчилар сони 14 765 444 киши ёки рўйхатга олинган сайловчилар умумий сонининг 90,6 фоизини ташкил этганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловнинг дастлабки яқунларига кўра, Исом Каримов 13 миллион 8 минг 357 овоз ёки сайловда қатнашган сайловчилар умумий сонининг 88,1 фоизини олди. Аслиддин Рустамов 468 минг 64 овоз - овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,17 фоизи, Акмал Саидов 420 минг 815 овоз - 2,85 фоизи, Дилором Тошмухамедова 434 минг 111 овоз - 2,94 фоизи миқдорда овозга эга бўлди. Бунда бюллетенларнинг 2,94 фоизи ҳақиқий эмас, деб топилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси айни пайтда Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган материалларни кўриб чиқаяётганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайлови тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ Марказий сайлов комиссияси иختирида қарор қабул қилиш ва сайлов яқунларини

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2007 йил 31 декабрь душанба иш кунини 2007 йил 29 декабрь шанба кунига кўчириш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2007 йил 31 декабрь душанба иш кунини 2007 йил 29 декабрь шанба кунига кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 24 декабрь

Сўз — халқаро кузатувчиларга Сайловчилар элу юрт келажаги учун овоз бердилар

Маълумки, шу йил 23 декабрь куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўлиб ўтди. Сайлов жараёнини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган 300 га яқин кузатувчи кузатиб борди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирлари 23 декабрь куни уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлиб, мамлакатимиз сайлов тизими, Президент сайловига тайёргарлик, бевосита сайлов жараёни ҳақидаги фикрларини баён қилишни сўради. Қуйида халқаро кузатувчиларнинг фикрлари билан танишасиз.

ишонч билан айтаманки, юртингизда сайлов демократик тамойиллар асосида ўтиши учун пухта тайёргарлик қўрилган. Бу, аввало, Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг халқаро андозаларга мос тарзда ишлаб чиқилгани билан боғлиқ. Ушбу сайловчилар билан гап-гап ва улар кўтаринки кайфиятда овоз беришда катнашмоқда. Айниқса, ёшларнинг фаоллиги менда катта таассурот қолдирди.

Тўғрида ТАНАКА, Марказий Осиё ва Кавказ давлатларини ўрганиш институтининг ижрочи директори /Япония/:

— Мен борган барча сайлов участкаларида сайловчиларнинг фаоллиги, айниқса, биринчи марта овоз бераётганларнинг кўтаринки кайфиятини кўрдим. Овоз берувчиларнинг фаоллиги, сайловнинг демократик тарзда ўтаётгани менда катта таассурот қолдирди.

Тўртта номзоднинг кўрсатилиши сайловнинг соғлом, рақобат руҳини белгилайди. Демак, ҳар бир сайловчи ўзининг хоҳиши-иродаси билан истаган, танлаган номзодга овоз бермоқда.

Аккан СУВЕР, "Мармара групп" стратегик ва ижтимоий тадқиқотлар жағрамаси президенти (Туркия):

— Ўзбекистонда амалда бўлган сайловга оид қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан яхши хабардорман. Бугунги сайлов тўла қонунийлик асосида ўтмоқда. Сайловга келган яқин хабардорлигига гувоҳ бўлдим.

Айни пайтда гузал Самарқанднинг тарихий обидалари менга хайратга қолди.

Анна ИВАНОВА, Фулом МИРЗАЕВ, ЎЗА мухбирлари.

Виктор ДАНИЛОВ, МДХ Ижроия қўмитаси маслаҳатчиси (Россия):

— Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган номзоднинг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда қатнашаётгани бу жараёнда демократик тамойиллар устуворлигидан, мамлакатимизда ўзига хос адолатли сайлов тизими шаклланишидан далолатлар.

ШХТ Кузатувчилари миссияси: Сайлов қонуний, эркин ва ошқора ўтди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда иштирок этган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Кузатувчилари миссияси вакиллари матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ва хорижий журналистлар, халқаро кузатувчилар, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

ШХТ Кузатувчилари миссияси раҳбари, ШХТ Бош котиби Б.Нурғалиев Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда иштирок этган ШХТ Кузатувчилари миссиясининг баёнотини ўқиб эшиттирди.

Ҳужжатда миллий сайлов қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тааллуқли қисмининг ШХТ Котибияти экспертлари томонидан ўтказилган таҳлилга кўра, ушбу қонун умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартларига ва демократик меъёрларга мос келиши қайд этилган. У сайловчиларга эркин хоҳиш-ирода билдириш ва яширин овоз бериш учун зарур шарт-шароитларини таъминлади. Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган барча Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловолди ташвиқотини ўтказиш ва сайловчиларни ўз дастурлари билан таништириш учун тенг имкониятга эга бўлдилар.

Кузатувчилар ўз фаолияти давомида Президентликка номзодларнинг сайловолди штаблари раҳбарлари билан учрашди. Бухоро, Тошкент ва Қўғон шаҳарларидаги округ ва участка сайлов комиссияларида сайловга қандай тайёргарлик қўрилгани билан танишди.

Миссия вакиллари бир қанча сайлов участкаларида бўлиб, уларда овоз бериш ва овозларни санаб чиқишни ҳам кузатди. Миссия баёнотида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида" ва "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига тўла мувофиқ тарзда сайловчиларнинг эркин хоҳиш-ирода билдиришини таъминлайдиган амалий, тинч ҳамда пухта ташкил этилган шароитда амалга оширилгани таъкидланган.

Миссия ташриф буюрган сайлов участкаларида Ўзбекистоннинг сиёсий партиялари, сайловчилар ташаббускор гуруҳи ва бошқа жамоат бирлашмаларидан кузатувчилар ҳам бор эди. Баёнотда сайлов жараёни давомида ушбу кузатувчилардан Миссия вакилларига ҳеч қандай шикоят ва танқидий фикрлар билдирилмагани қайд этилган. Бундан ташқари, ушбу ҳужжатда овозларни санаб чиқишда Миссия вакиллари томонидан "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида"ги Қонун талаблари бузилган ҳолатлар аниқланмагани айтилган.

ШХТ Кузатувчилари миссияси баёнотида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови қонуний, эркин ва ошқора вазиётда ўтгани ҳамда миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро сайлов стандартларига тўла мос келиши таъкидланган.

Матбуот анжуманида ШХТ Кузатувчилари миссияси аъзолари, ШХТ Котибияти маслаҳатчилари С.Трепачёв ва Цзи Яньчи ҳам иштирок этди.

Матбуот анжуманида иштирок этган журналистлар Ўзбекистон Республикаси сайловда ШХТ Кузатувчилари миссиясининг ишлари натижалари бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.



Шеробод туманидаги 481-сайлов участкасида биринчи марта овоз берган ёшлар — Ноила Аллаёрова, Нигора Маматова ва Дилноза Бўтаева.

Искандар ХўЖАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

МДХ Кузатувчилари миссияси: Сайлов Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётини янада демократлаштиришнинг муҳим омилига айланди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда иштирок этган МДХ Кузатувчилари миссияси вакиллари матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ва хорижий журналистлар, халқаро кузатувчилар, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази раҳбари Б.Алимов бoshкарди.

Ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котиби С.Лебедев Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишнинг кузатиш натижаларига бағишланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилари миссиясининг баёнотини ўқиб эшиттирди.

Миссия таркибида МДХга аъзо давлатлар ижроия ва сайлов органларидан, шунингдек, ЕврАзЭС ва МДХ Ижроия қўмитасидан 79 нафар халқаро кузатувчи рўйхатга олинган. Сайлов жараёнини кузатиш ишлари 10 декабрдан бошланган.

МДХ Кузатувчилари миссияси раҳбари, МДХ

Александр МАРИНОВИЧ, МДХ ижроия қўмитаси вакили (Беларусь):

— Фарғона шаҳридаги 693-сайлов участкаси бўлиб. Барча жараёнлар қонун талаблари асосида амалга оширилмоқда. Сайловчилар ўзларининг фаоллигини, Президент сайловида оид қонунчиликдан етарли даражада хабардорлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда сайлов тизими демократик тамойиллар, кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида, очик ва ошқора руҳда ўтаётди. Айниқса, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзоднинг Президент сайловида иштирок этаётгани бунга яқол исботлаб турибди. Мен Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарлари ва Қўва туманида бўлиб, сайлов участкалари фаолияти билан яқиндан танишдим. Улар барча талабларга жавоб беради.

Мен кузатувчи сифатида кўпгина давлатларда ўтказилган сайловларда иштирок этганман. Ушбу сайлов жараёнини кузатар эканман, Ўзбекистонда ўзига хос сайлов тизими яратилганлигига ишонч ҳосил қилдим.

Джон ЧЕРИАН, "The Hindu" газетаси сиёсий шарҳловчиси (Ҳиндистон):

— Ҳуқуқий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишда кўппартиявийлик тизими муҳим омили ҳисобланади. Шу йўналишда Ўзбекистонда барча сиёсий партиялар фаолияти учун тенг ҳуқуқий асослар яратилгани сайловчиларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишида катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида сайловга тайёргарлик жараёни, Президентликка номзодларнинг таржимаи холи, дастури, сайловчилар билан учрашувлари баътафсил, холис ёритилганини кўрдим. Бу ҳам демократиянинг муҳим принципларидан биридир.

Билишимча, Ўзбекистонда биринчи марта тўртта номзод Президент сайловида катнашмоқда. Бу сайловчиларга танлаш имконияти яратилганини яқол кўрсатиб турибди.

Мустафа КАМАЛ, Индонезия парламенти депутати:

— Самарқанддаги сайлов участкаларидаги жараёни кузатишларимга таяниб, шуни

Хозиргача Сурхондарё вилоятидаги ўнта сайлов участкасида бўлиб, овоз бериш жараёнини кузатдим. Менда халқингизнинг бир-бирига самимий муносабати, очик кўнгул ва фаоллиги илиқ таассурот қолдирди. Албатта, бундан ноёб ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳалланинг ўрни сезилиб турибди. Бу институт вакилларининг участка сайлов комиссиясига киритилгани сайловни уюшқоқлик билан ўтказишда муҳим аҳамият касб этаётди. Юртингизнинг ободлиги, кўчаларининг тозаозодлигини кўриб, ҳавасим келди.

Елена КУЗЬМИНА, халқаро кузатувчи, Россия фанлар академияси иқтисодий институтини халқаро иқтисодий ва сиёсий тадқиқотлар бўлимининг МДХ мамлакатлари шўбаси иллий ходими:

— Тошкент ва Зангиота туманларидаги бир нечта сайлов участкаларида бўлиб, Сайловчилар жуда фаол. Номзодлар ҳақида етарлича маълумотга эга. Биз борган сайлов участкаларида рўйхатга олинган сайловчиларнинг қарийиб 50 фоизи соат ўн биргача ўз конституциявий бурчидан фойдаланган эди.

Президент сайлови ҳар бир мамлакат ҳаётида катта сиёсий воқеа. Юртдошларингизнинг фаоллигини англадимки, улар ўз Ватанининг мустақиллиги, таракқиёти ва унинг ёруғ истиқболи учун бефарқ эмас.

Сўҳроб ҒОИПОВ, Тожикистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси бош мутахассиси:

— Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов демократик тамойиллар асосида ўтаётганига шубҳам йўқ. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан президентликка номзодлар ҳақида тайёрланган материаллар билан танишиб, бунга тўла амин бўлдим. Номзодлар орасида аёллар вакили ҳам борлиги эътиборлидир.

Сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатиб бораётган оммавий ахборот воситалари ходимларини, Президентликка ўз номзодини кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кузатувчиларни учратиш мумкин. Шунингдек, овоз бериш жараёнини 23 минг маҳаллий, 300 нафарга яқин хорижий мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари билан иборат кузатувчилар кузатиб бораётгани ҳам ушбу сайловнинг ошқоралик, демократия ва адолат принципларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтаётганига далилдир.

"Кредит беришди — ишлар юришди"

Бу "Фаллабанк"нинг Сирдарё минтақавий филиали мижозларининг эътирофи



— Ушбу филиал ходимлари хизматидан беҳад хурсандман. Банк молиявий кўмак бериб турса имкониятнинг кенг, қўлинг узун, эришган ютуқларинг ҳам салмоқли бўлар экан, — дейди Оқолтин туманидаги "Юсуп" фермер хўжалиги раҳбари Эргаш Юсупов. — Мисол учун бизга 2007 йилда 117,2 миллион сўм кредит беришди. Ушбу кредит хисобидан битта "МТЗ-80 Х" чолик трактори ва бир дона "Енисей-1200 НМ" галла ўриш комбайнини сотиб олдик. Янги техниканинг иш унуми бошқача бўлар экан, гўза қатор ораларига вақтида сифатли ишлов берилди. Мавжуд 40 гектар майдондан 100 тонна пахта етиштирдик. Олган комбайнимиз билан 30 гектар галлани сифатли ўриб, давлатга 78 тонна сара дон топширдик. Бундан ташқари кўплаб фермерларга шартнома асосида хизмат кўрсатдик. Ана, банк билан фермер хўжалиги ҳамкорлигининг самараси.

— Хозирги кунда кичик бизнес субъектларини, хусусан, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлаш тижорат банклари олдига турган долзарб вазифа хисобланади. — дейди "Фаллабанк"нинг Сирдарё минтақавий филиали бошқарувчиси Илбос Омонов. — Жорий йилда 568 та фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатилди. Улар давлат хирмонида 10099 тонна галла, 17801 тонна пахта хом ашёси етказиб берди. Фермер хўжалиқларининг пахта ва галла етиштириш харажатлари учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги "Давлат эътиҳолари учун харид қилинадиган кишлоқ хўжа-

лиги маҳсулотларини ҳисоб-китоб қилиш" жамғармаси маблағлари хисобидан жами 2919,5 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилган бўлиб, шундан 2533 миллион сўм пахта ҳамда 386,5 миллион сўм галла етиштириш учун молиялаштирилди.

Фермер хўжалиқларига янада қулайлик яратиш, уларнинг вақтини тежаш мақсадида филиалимиз томонидан вилоятимизнинг 3 та туманида 4 та минибанк фаолияти йўлга қўйилди. Сайхунбод тумани Сайхун кўрғонида "Сайхун" минибанки, Пахтакор кўрғонида "Пахтакор" минибанки, Боёвут туманида "Ш.Рашидов" минибанки, Мирзаобод туманининг Беруний кўрғонида "Зарафшон" минибанки ташкил этилиб, ушбу минибанклар фермерларга сифатли хизмат кўрсатмоқда. Банкнимиз томонидан фермер хўжалиқлари унумдорлигини ошириш, маҳсулот етиштириш харажатларини камайтириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, кишлоқ хўжалиги техникаси ва эътиҳот қисмлар сотиб олиш мақсадида 367,4 миллион сўм узоқ муддатли кредит ажратилган. Шу билан бирга, 2006 йилда галла хосилини тез ҳамда сифатли ўриб олишни таъминлаш мақсадида банкнимиз томонидан 5 та кишлоқ хўжалиги корхонасига "Клаас" компаниясига қарашли 6 та "Доминатор-130" русумли юқори унумли галла ўриш комбайнлари лизинг асосида берилган. Жорий йилда Боёвут туманидаги "Боёвут" сабзавот-мева агрофирмасига "Доминатор-130" русумли галла ўриш комбайнини сотиб олиш учун узоқ муддатли кредит ажратилган. Ушбу комбайн

билан 856 гектар майдоннинг галласи ўриб олиниб, 47 миллион сўмлик иш бажарилган. Шу йилнинг декабрь ойида яна 2 та "Доминатор-130" русумли комбайн сотиб олиш учун фермер хўжалиқларига 7 йил муддатта кредит бериш режалаштирилган.

— "Фаллабанк" — бизнинг ҳамкоримиз, сунчимиз, — дейди банк хизматидан баҳраманд бўлаётган Гулистон туманидаги "Бобоназар" фермер хўжалиги раҳбари Соҳибназар Бобоназаров. — Жорий йилда фермер хўжалигимизга 40 миллион сўмлик кредит ажратилиб, ушбу кредит хисобидан 2 дона "МТЗ-80 Х" чолик трактори сотиб олдик. Олинган техникалар эса ўз навбатида фермер хўжалигимизда иш унумини оширмоқда. Гўза қатор ораларига вақтида сифатли ишлов бериш ва ташиб олишда катта ёрдам берди. Фермер хўжалигимизнинг йилдан-йилга иқтисоди бақувват бўлиб бораёпти. Шу йил 93 гектар галла майдонидан 232,8 тонна галлани давлатга сотдик. Шундан 110,6 гектар пахта майдонидан 271 тонна пахта хом ашёсини юқори навларда қабул пунктларига етказиб бердик. Олинган даромадни чамалаб кўраверинг.

Дарҳақиқат, юзлаб фермерлар банк хизматидан самарали фойдаланмоқда. Бу икки томонлама манфаатдорлик нишонасидир. Чунки бой-бадавлат фермер ўз фаолиятини ривожлантириш билан бирга тўлаётган кредит фойзига хисобига банкни ҳам бойитди.

Шамурод ХОЛМУРОВОВ,
"Кишлоқ ҳаёти" мухбири.
Сирдарё вилояти

Қашқадарё вилоятида ирригация-мелиоратция тадбирларини амалга оширишда муайян ишлар олиб борилапти. Айниқса, бу соҳада Президентимизнинг "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилапти.

Фармон ва ижро: ўқув-семинар

бульдозерлардан самарали фойдаланиш, ёқилги-мойлаш маҳсулотлари ва эҳтиёт қисмларини тежаб, иқтисод қилишга қаратдилар. Тадбирда экскаватор ва сиси Зокир Жўраев, янги йилда вилоят ирригация ва мелиоратция тадбирларида 2198 километр зовур-дренаж тармоқларини тозалаш режасини амалга ошириш

Ирригаторлар тажриба алмашишди

Бунинг амалдаги натижаси сифатида 1265 километр зовур-дренаж тармоқлари тозаланганлиги, мелиоратив иншоотларида бажариладиган ишлар лойиҳа асосида сифатли, системали олиб бориладиганлиги ўз самарасини берди.

Гидрогеология мелиоратив экспедициясида бўлиб ўтган ўқув-семинарда ана шу ҳақда фикр-мулоҳазалар билдирилди. Унда иштирок этган Ўзбекистон пахтачи-

лик илмий текшириш институти Қашқадарё филиали мутахассислари, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг олимлари, "Узгросу-гурта" ДАСК вилоят дирекцияси мутасаддилари, Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг масъул кишилари асосий эътиборни Президент Фармони ва Қарорларининг ижроси, вилоятдаги мавжуд замонавий ва чет элдан келтирилган экскаватор ҳамда

бульдозерларни самарали ишлатиш, техникаларни объектдан объектка кўчириш ва янги жойларда ишларни ташкил этиш, электр узатиш тармоқлари, газ қувурлари ҳамда бошқа ер ости коммуникация тармоқлари муҳофизат зонасида техника хавфсизлиги қондаларига амал қилиш ҳақида ҳам мутахассислар фикр алмашишди.

Ўзбекистон Республикаси кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги етакчи мутахас-

бўйича қилинадиган асосий ишларга эътиборни қаратди.

Семинар қатнашчилари ўзаро тажриба алмашидилар. Соҳада ўрнатилган бир гуруҳ механизаторларга қимматбаҳо совгалар топширилди.

Хусан ТЕМИРОВ,
«Кишлоқ ҳаёти» мухбири.

Қашқадарё вилояти

Ота изидан

Зокиржон ота Сиддиқов нафақат Кува тумани, балки бутун Фарғона вилоятида машҳур пахтакорлар қаторида тилга олинади. У хўжаликда пахтачилик бригадасини мохирлик билан бошқарди. Узоқ йиллар давомида муттасил равишда пахта етиштириш режасини ортга билан бажариб, эл-юрт ўртасида иззат-икром билан нафақага кузатилди. Халқимизда "От ўрнини той босади" деган гап бежизга айтилмаган.

— Мен туғилган йилим, — изоҳ беради унинг ўғли Қахрамон, — дадамлар илк бор пахтачилик бригадасини бошқара бошлаган эканлар. 1970 йилдан то 1993 йилгача битта бригадани сиддиқидилдан меҳнат қилдилар. Дадамни нафақага кузатган бригада ахли мени ўзларига бош этиб сайлашди. Мен имкон қадар бригада аъзоларининг, қолаверса, отамнинг ишончларини оқлаш учун ҳаракат қилдим.

деhqонларга катта имкониятлар яратиб берди. 1997 йили Кува туманидаги Раҳматов номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида "Қосимқарвон" фермер хўжалигига асос солинди. Мана орадан роппа-роса ўн йил вақт ўтди. Ҳўш, ортда қолган йиллар давомида "Қосимқарвон" фермер хўжалиги аъзолари қандай меҳнат муваффақиятларини қўлга киритишди.

— Жорий йил хосили учун

53 гектар ерга пахтанинг "С-6524" навини эккан эдик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Қахрамон Сиддиқов. — Йил бўйи астойдил қилинган меҳнат ўзининг яхши самарасини берди. Пахтадан ҳосилдорлик гектар бошига 40 центнерданга, ялпи хирмони эса 205 тоннага етказдик. Энг муҳими, давлатга топширилган пахтаимизнинг 110 фоизи биринчи навга қабул қилинди.

Биргина пахтачиликнинг ўзидан 30 миллион сўмга яқин соф фойда олиш кўзда тутилмоқда. — Дала юмушлари кўпчилик билан-да, — давом этади у, — фермер хўжалигимизнинг 50 нафар аъзоси бор. "Техника" — деhqоннинг қаноти" дейишди. Аввало биз шунга амал қилдик. Айни кунларда их-

тиримизда иккита қатор ораларига ишлов берадиган культиватор, иккита "БТ-150", "Т-4" ҳайдов трактори, иккита транспорт ҳамда автобусимиз бор. Маманазар Шералиев, Абдумухтор Мадаминов, Мирзамамат Мамажонов каби механизаторлар деhqон юмушини осонлаштириб, баҳоли қудрат улкан хирмонга ўзларининг хиссасини қўшишмоқда. Шу ўринда сувчиларнинг фидокорона меҳнатларини таъкидлаш жоиз. Зўхриддин Мирзамаматов, Собиржон Исмоилов ва бошқалар гўза парвариши даврида фидокорона меҳнат қилдилар.

Қиш ҳақиқий деhqон учун бекорчилик фасли эмас. Айни пайтда кузги-қишки агротехник тадбирлар сифатли бажарилиб, келгуси йил хосили учун пухта хозирлик қўрилмоқда. Айниқса, 32 гектар майдондаги бугдойнинг парвариши аявдима.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Кишлоқ ҳаёти" мухбири.
Фарғона вилояти

АВТОТРАНСПОРТ — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

6 ўринли, 1,5 тонна юк кўтарувчи, "GAZ-330232-Фермер" автомашинаси

"GAZ-31105"

"GAZ-3202" русумли тентли юк машинаси

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ВАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ

AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўринли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўринли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш исталган усулда!

"GAZ-3309" русумли 4,5 тонна юк кўтарувчи машина

"GAZ-3309" русумли нон ташиш машинаси

"GAZ-3309" русумли 4200 литр сифтли сут ташиш машинаси

"GAZ-3221" русумли 15 ўринли микроавтобус

"Volga" русумли "Тез ёрдам" машинаси

700015, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16А-уй.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари:
126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Мухтарам Ватандошлар!

Сиз, азизларни яқинлашиб келадиган Янги йил билан муборакбод этамиз!

Хонадонингизга тинчлик-осойишталик, дастурхонингизга қут-барака, ўзингизга мустаҳкам соғлиқ ва омонлик тилаймиз.

Президентимиз томонидан "Ёшлар йили" деб аталган 2008 йил барчангизга шодлик олиб келсин, орзу-умидлар рўёбга чиқсин. Юртимиз осмони доимо мусаффо бўлсин!

Тошкент Давлат Авиация институти жамоаси

Эътибор намунаси

Еш авлодга таълим-тарбия беришдек шарафли юмушни ўз зиммасига олган устоз-ўқитувчиларнинг шу кунларда кўкси осмон қадаг кўсалгани рости. Негаки юртимизда 2008 йил – Ешлар йили деб эълон қилинди.

Ўқитувчи нафақат ёшларга устоз, балки у бир пайтнинг ўзида ҳам ота, ҳам она, у энг муҳими қандай боланинг тақдирига бефарқ бўлолмаслиги аён. Шундай экан барча қатори Ғузор туманидаги 3-умумтаълим мактаби ўқитувчилари ҳам эълон қилинган йил ва унинг мазмун-моҳиятидан руҳлангани ҳақиқат.

Ешларимизга замонавий билим бериш уларни касбга йўналтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан саналади. Бу борада Юртбошимиз маърузасида таъкидлаганидек, "Ҳаммамиз бугун яхши тушунмиз – фарзандларимизнинг мактаб, академик лицей, касб-хўнар коллежлари ва олий ўқув юртиларида замонавий билим олиш, ҳаётда керак бўлган касбга эга бўлиш ҳақида гапирганда, бу йўналишда олиб бораётган ишларимизнинг сифати ва самарасини, пировард натижасини оширишда ҳали кўпгина масалаларни ечишимиз лозим..."

Ҳа, ҳали таълим соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларимиз кўп. Бу ишларнинг пироварди эса ёшларимиз таълим-тарбиясига ўз хиссамини қўшаётганимиздан бахтиёримиз.

Елена АМИНОВА,
олий тоифали ўқитувчи.

Қашқадарё вилояти

Муҳаммад Ризо Эрнӣзбек ўгли Огаҳий ижодида боғлар мавзуси алоҳида ўрин эгаллаган. Шoir меросидаги ушбу мавзуга тааллуқли кўплаб мисраларни мутулаа қилар экансан, ўзингизни беҳудуд бир боғистонга, боғистон бўлганда ҳам, бир кириб қолсанг, тарк этишни ҳайлга ҳам келтира олмайдиган боғистонга, яна ҳам аниқроғи, боғистонларнинг маржон тизимларига дуч келгандай сезасан ўзингни.

Шоирга, аввало, дунёнинг ўзи бир боғ, бир бўстон бўлиб туюлишида улкан ҳикмат бор. "Кенгта кенг дунё, торга тор дунё", деганларидек, "Бориб ақбоб бир-бир, мен қолиб бир гўшада ёлғиз, маконим чўздек доим бўлиб турганида"

ҳароб ўлгонга йиғларман" деб фиғону нолалар қилган шoir, ўз ҳаётининг сурурли лаҳзаларига, боғлар тўғрисидаги туркум маснавийларини:

Даҳрики, бир боғи
масуафодурур,
Бошдан айқ зеб ила ородурур,
мисралари билан бошланадиган масрур манзума билан ибтидолантиради.

Шоирнинг бу маснавийси, унинг бутун мероси сингари, фалсафий мушоҳадаларга бой, ҳаётсеварлик руҳи билан суғорилган.

Огаҳий даҳр боғини таърифлар экан, бу боғда ҳаёт кечириши керак бўлган одамларнинг инсоний фазилатларига, бир қарашда, батафсил тўхталиб ўтирмайди. Уларни "айш ила ишрат аҳли" деб қўя қолади. Бирок бу боғнинг жаннатга ўхшатилишидан билса бўладики, унда яшаши керак бўлганлар, табиятан, жаннатга муносиб одамлардир. Шунга кўра, Огаҳий боғлар гўзаллигини таъриф этар экан, ўз замондошларига гўё сўзсиз бир савол билан мурожаат қилиб туради: "Даҳр боғи шундай. Хўш, сизлар унда яшашга лойиқмисилар?"

Огаҳий таърифча, шамоллари Исо алайҳиссалом нафасидек бу боғ замондошларига, замондошлари билан, бу боғда кечириладиган ҳаёт бениҳоя мураккаб ва калтисдир. Бу боғда ҳар бир одамга кўрсатиладиган илохий илтифот мазкур одамдан ана шу илтифотга мутаносиб инсоний ҳаёт кечириши тақозо қилади. Ҳаёт боғининг бу қонуни шоху гадога баробардир. Чунки бу боғнинг:

Давлатиға ҳар киши гар топса даст,
Бўлса неча кун онго мағруру маст,
Боргуси давлат, қолибон ҳасрати,
Ҳасратига орзимагай давлати.
Онда агар шоху гадо гар дурур,
Чеккали ҳасратни баробардурур.
Кўрки, Скандар била Бахрому Жам
Ёлғиз олар, йўқки, неча шох ҳам...
Ҳосил эта олмайин аммо мурод,
Ҳасрат ила борди бари номурад.
Огаҳий умр буйи ўз сўзига амал қилиб яшади. У ўзи тараннум этган "Даҳр боғи"ни, яъни ўзи истиқомат

қилаётган замин ва замонни инсоний ҳаётга муносиб қилиш, уни яшатиш, ўз даврининг илм-фани, адабиёт ва санъатини тараққий топтириш, Хоразм тупроғидан, бу тупроқ нимагаки лаёқатли бўлса, ана шу ноз неъматларини ундирди-ўстириш учун шейрлар ижод этди, тарихнавислик қилди, телба Жайхунга "ақл киргизиб", унинг суварларини ўз мадҳига муносиб, серфайз боғларга "ётаклаб" келиш учун мироблик қилди.

"Даҳр боғи" маснавийси, албатта, шoir ва унинг замондошлари ҳаёт кечириётган дунё тўғрисидаги мажозий асар. Бирок, Хоразмнинг Огаҳий ҳаёт кечирган ҳамда ундан олдинги ва ундан кейинги даврларда ақлбоғвар қилмайдиган даражада серхосил ва анвойи мевалари билан машхур боғлари, полизлари, ноз-неъматларга кон тупроғи мавжуд эдики, Жайхун дарёмининг ҳар бир ҳовчү суви бу тупроқнинг ҳар парчасини ҳам тўйдирарди, ҳам қондирарди.

Навбатдаги "Рафинак боғи тасвири" маснавийси ҳам, табиийки, ана шундай руҳ билан суғорилган. Огаҳий ушбу маснавийсидан гўёки ҳар бир туп дарактини алоҳида шарафлайди. Уларни бирма-бир шейр тўхтади билан ардоқлайди. Шoir ўзининг истеъдоди шарофатидан боғнинг бақрамад бўлишига, ҳар бир ниҳолнинг шейр шайхонадан янада гуллаб-яшнаб, аввалгидан барақалироқ ҳосилга киришини умидвор бир қалам миришқори сифатида шейр битди:

Қадимий дурдона

Ажиб боге ҳадду гароносиз,
Бутуб онда даракт аснофи сонсиз.
Шoir мана шу "Сонсиз даракт аснофи"дан турларидан хайратлиниб чарчамайди, ўзининг хайратини шейрга солиб толмайди:
Очиб гул саҳнида ҳар ён шажаралар,
Аён айлаб неча турлук самаралар.
Агар бир кўрса они хури жаннат,
Мудом айлар тамошосига рағбат...

Огаҳий ҳар боғнинг бўлак бир файзи, алоҳида бир фариштаси борлигини

Абадий боғлар бўлмайдими, бироқ абадий боғлари бўлади. Қасрлари жаннат қасрларидан юксак, ҳавоси жаннат саҳнидан ҳам дилга оро бергучирик бу боғлар шoir руҳига фараҳ бахш этиб, дилини хушуд қилади. Жонига Сафо бахш этади. Фақатгина боғ эмас, ҳовузлари ҳам шoir кайфиятини зийнатлайди...

Шуни таъкидлаш жоизки, Огаҳий ўз давридаги Хоразм боғларини тавсифлар экан, мазкур боғларга ёндаштириб қурилган, аниқроғи, мазкур боғларнинг таркибий бир қисми бўлган боғ биноларини ҳам тавсифрайди. Уларни қуришга сарфланган меҳнатни, меъморларнинг истеъдодини, бинокорларнинг салоҳиятини алоҳида бир ихлос ва маҳорат билан ифода қилади. Бу ҳусусияти биз, айниқса, "Рафинак боғидаги бино тасвири" ва "Тошовуз боғи" маснавийларида кўрамыз:

Эрур ҳар бирийда андоқ маҳорат,
Ки, таърифидо ожиздир иборат.
Бўлук қасри фалак тарҳини тузмак,
Аларга бир катак тарҳини тузмак.

Мана шундай фидокорона меҳнат натижасида, масалан, Тошовуз боғи маснавийда таърифланганидек, муҳташам боғ қасрлари бунёд бўлганлиги шубҳасиздир:

Бино ҳар сори топиб неча айвон,
Ҳавоси руҳбахшу, роҳати жон...
Огаҳий ушбу мисраларнинг ўзидек боғда бино қурмоқдан бош мақсадини эслатади:
Бутуб онда ниҳоятсиз шажарлар,
Пишиб ҳар ён шажар узра самарлар...

Шуниси диққатга сазоворки, боғда битган ноз неъматларини, даракларни таърифлар экан, шoir ҳар бирини битта инсоний фазилат билан айтиб-таърифлар таъсиф этади. Масалан, шoir токни қўлларини мардона, шoir таъбири билан айтганда, "бебок", яъни қўқувсиз узатаётган одамга ўхшатади:

Ҳовга май айлаб ток ҳар ён,
Узотиб қўлларин бебок ҳар ён.
Огаҳий мадҳияда боғларда ариқлардан оққан сув жон шираси.

Ҳаётбахш бу боғлар таърифини ўйлаб, шундай фикрга келиш мумкин, буюк боғлари бор юртдан буюк одамлар етишиб чиқади. Бунга мисол Огаҳий ва Огаҳий каби мумтоз аждодларимиз таъриф этган боғлар, Огаҳий ва Огаҳий каби бобоқалонларимизнинг ўзлари...

Матназар АБДУЛҲАКИМ

Асрларни яшнатган боғлар



ни яхши англайди. Ҳар бир боғ ташнавалигини мироб сифатида Жайхуннинг зилол суварлари билан қондиргани учунми, ана шу фариштини осонликча кашф этади.

Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир боғга бағишланган маснавийси алоҳида бир файзли. Шунинг учун, Огаҳий ҳар бир боғни таърифлаётиб, унинг учун алоҳида бир оҳанг, бўлакча бир бадиий воситаларни танлайди.

SPORT OLAMIDA

Кучлилар қаторида

Профессионал бокснинг Бутунжаҳон бокс ташкилоти – WBO декабрь ойи учун энг кучли спортчиларнинг янги рейтингини эълон қилди. Қувонарликки, бу рўйхатга уч нафар ўзбек боксчиси ҳам киритилган.

Ҳамюртларимиздан энг юқори ўринни, яъни учинчи поғонани Андижон бокс мактаби тарбияланувчиси 27 ёшли Қаҳрамон Орзикулов эгаллаб турибди. Фаолиятини 2001 йилда бошлаган Қаҳрамон 52,2 килограмм вазнда 17 та жанг ўтказиб, шундан 14 тасида ғалаба қозонган. Битта учрашув дуранг натижаси билан тугаган. У ҳозирда "WBO Inter-Continental" йўналиши – қитъалараро чемпиони ҳисобланади.

Рейтингдан жой олган яна бир боксчи Қувончбек Тойғонбоевдир. 69,8 килограмм вазнлилар ўртасида у тўрттинчи ўринда зикр этилган. Бугунгача 33 марта рингга кўтарилиб, 29 та ғалабага эришган. Рақибларини 18 марта нокаутга уратган.

Тошкентлик ёш боксчи Алишер Раҳимов ҳозиргача мағлубиятга учрамаган ҳолда биринчи марта рейтингнинг кучли ўнталигидан жой олди. У 15 та жанг ўтказган.

"Пахтакор" "Лацио" билан ўйнайди

Ҳар йили Италияда анъанавий тарзда ўтказиладиган "Corra Carnevale", яъни "Карнавал Кубоғи" халқро турнирининг қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Унга кўра, Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси ёшлари 12-гуруддан ўрин эгаллашди ва Италиянинг икки вақили – "Лацио" ҳамда "Новара" клубига қарши тўп сурайдиган бўлишди. Шунингдек, мусобақада Мустанкил Давлатлар Ҳамдўстлигидан Донецкинг "Шахтёр" ва Москвадан "Спартак" жамоалари ҳам иштирок этишади. Эслатиб ўтамиз, 60 мартаба ўтказиладиган "Карнавал Кубоғи" Италиянинг Виареджо шаҳрида 28 январдан 11 февралгача бўлиб ўтади.

Қуръа ташланди

Яқинда футбол бўйича Европа Чемпионлар лигаси нимчорак финалга қуръа ташланди ва 8 та жуфтлик номи аниқланди. Биринчи саватчадан гурӯҳда биринчи ўрини эгаллаган жамоалар ўрин олган бўлса, иккинчи саватчадан гурӯҳда иккинчи ўринни олимб, кейинги босқичга чиққан жамоалар жойлашган эди.

Яна бир рекорд

Сўнгги пайтларда Америка Қўшма Штатларининг Миллий баскетбол ассоциацияси ўйинларида тез-тез рекордлар кайд этилмоқда. Шундай рекордлардан бири кунга "Лос-Анжелес Лейкерс" клуби ҳимоячиси Коби Брайант томонидан ўрнатилди.

У ўз профессионал фаолиятида 20 минг очко жамагарган ёш баскетболчи сифатида тарихда қоладиган бўлди. 29 ёш 122 кунлик бўлган Брайант 40 йил аввалги рекордчи Уилт Чемберлендан ўзиб кетди.

Коби 20 минг очколик поғонани МБА мунтазам чемпионатининг "Нью-Йорк Никс" клубига қарши кечган ўйинида забт этди. Бахс давомида фаол ҳаракат қилган Брайант жамоасига 39 очко ишлаб берди. Натияжада, "Лос-Анжелес Лейкерс" сифарда муҳим ғалабага эришди (95:90).

Рекорд кайд этиш учун Коби Брайант 811 та ўйинда ҳаракат қилган.

Суннатилла ИСЛОМОВ

"МИКРОКРЕДИТБАНК"
акциядорлик-тижорат банки жамоаси
юртдошларимизни Янги – 2008 йил билан муборакбод этади.

Ҳар бир оиллага бахт-саодат, ҳар бир хонадонга файзу барака тилайди.

"МИКРОКРЕДИТБАНК"

тадбиркорларнинг ишончли ҳамкоридир.
Ёшлар йилида узоқни кўзлаб, яратувчилик ишларига қўл ураётган бўлсангиз, албатта, бизга мурожаат қилинг.

Қадрли ёш тадбиркорлар! Таклиф сиздан – сармоя биздан

"Микрокредитбанк" жисмоний шахслардан Янги йилда ҳам ўзининг йиллик 30 фоизли "Фаровонлик", 24 фоизли "Нурафшон", "Мафтункор", 20 фоизли "Меҳрибонлик", "Мададкор", "Камалак", "Хотира", 19 фоизли "Қумуш тола", 18 фоизли "Орзу", "Нуроний", "Сихат-саломатлик", "Техамкор-коммуналчи", "Она юрт", "Ҳомий", "Шифокор", "Мучал тўйи", "Омад" сингари турли қулайликлар ва имтиёзларга эга бўлган жами – 21 хилдаги омонат турларини таклиф этади.

Омонатга қўйилган маблағингиз Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг банкларидаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

Омонатингизни асраб-авайлаймиз ва кўпайтирамиз!
Кўшимча маълумотларни куйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-28-11, 173-43-11, 173-05-86, 173-15-81.
Тошкент шаҳри, Чилонзор даҳаси, Лутфий кўчаси-14.

"Микрокредитбанк" сармоялари – тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

Бош муҳаррир
Чорн ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўқтам БАРНОЕВ, Ағатай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-54-44, 133-28-04, Котибхона - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-28-04, 133-09-93.

ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ ТОЛЬКО

Ваз-21041 8800 у.в. Chevrolet-Niva 16500 у.в. МНН-27175 9000 у.в.

Форма оплаты - любая

ТЕЛ.: (99871) 140-00-61/62, 110-41-43, 317-67-97

"KIA MOTORS"нинг Ўзбекистондаги расмий дилери "Sanar Motors" МЧЖ куйидаги автомобилларни таклиф этади.

Optima Carens Sportage Cerato

Тошкент шаҳри, Х.Абдуллаев кўчаси, 54А. Мўлжал: метрронг Буюк Илак йўли боғати. Тел.: 323 2566, 140 0061/62, 175 6975. www.kiamotors.com

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета шешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буортма Г-1118, ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қорғо бичими А-2.

Босишга топирилган вақти: 21.00 Босишга топирилди: 03.10 Адади - 13178

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳосасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5